

БОТИРОВ Бобурмирзо

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти

ИСЛОМ МАНБАЛАРИДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

ПРАВА И ОБЯЗАННОСТИ ЧЕЛОВЕКА В ИСЛАМСКИХ ИСТОЧНИКАХ

HUMAN RIGHTS AND OBLIGATIONS IN ISLAMIC SOURCES

Аннотация. Ушбу мақола ислом манбалари бўлган – Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларда инсонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жамият аъзоларининг ўзаро масъулиятлари, ахлоқ меъёрлари каби масалалар очиб берилган. Шунингдек, ислом ҳуқуқининг асоси инсон манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилгани ислом таълимотидаги инсонийликни акс эттирган нормалар мисолида кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: ислом таълимоти, ислом манбалари, Қуръон, ҳадис, инсон, ҳуқуқ, мажбурият, ислом ҳуқуқи, қадр, эркинлик, шахсий ҳуқуқлар.

Аннотация. В этой статье раскрываются такие вопросы, как права и обязанности людей, взаимная ответственность членов общества, нормы морали, содержащиеся в исламских источниках – хадисах и аятах Корана. Также на примере норм, отражающих гуманизм в исламском учении, показано, что основа исламского права направлена на защиту интересов человека.

Ключевые слова: исламское учение, исламские источники, Коран, хадис, человек, закон, обязанность, исламское право, достоинство, свобода, права личности.

Annotation. This article deals with issues such as the rights and obligations of people, the mutual responsibilities of members of society, and moral norms in Qur'an and hadiths. It is also shown in the example of the norms in Islamic teaching that

reflect the humanity of Islamic law, which is based on the protection of human interests.

Keywords: Islamic teachings, Islamic sources, Quran, hadith, human, law, obligation, Islamic law, dignity, freedom, personal rights.

КИРИШ

Инсоннинг ҳар қандай ҳуқуқи ижтимоий-сиёсий соҳаларда тадқиқотларни узоқ муддатли ривожлантириш ва жадаллаштиришдан кейин ҳозирги босқичида танишган европача фикрлаш натижаси эмас, ислом дини таълимотига кўра, Муҳаммад (с.а.в) суннати ва Қуръонда қайд қилинган шариат меъёрларида қарор топган нарсаларнинг натижаси ҳисобланади.

Чунки Қуръони каримда одамлар мукааррам қилингани оят билан алода таъкидланган. Жумладан, Исро сурасининг 70-оятида: **“Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукааррам қилдик”** дейилган [1:289]. Бугунги кунга келиб, худди шу тушунча Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига «инсонлар жамияти барча аъзоларининг кадр-қиммати» ибораси билан киритилди [5].

АСОСИЙ ҚИСМ

Қуръони карим нозил этилган кундан бошлаб инсон ҳуқуқлари ва кадр-қиммати Ислам таълимоти ва ахлоқининг таркибий қисми ҳисобланган ислом ҳуқуқи тизимининг асосий мезонлари этиб белгиланган. Ушбу тизимнинг бошқалардан ажратиш турадиган муҳим жиҳати шундаки, у жамият барпо этишда инсон қадр ва унинг ҳаётини энг олий мақсад деган умумий назарияга олиб чиқилганидир.

Ислам манбаларида Яратган зот мавжудотлар ичида Одам болаларини азизу мукааррам қилиб яратгани, унга Ўз руҳидан пуфлаб жон ато этгани, унга нарсаларнинг номини ўргатиб, фаришталардан афзал қилгани ҳамда фаришталарни унга таъзим қилишга буюргани билан инсоннинг кадр-қиммати аввалбошдан юқорига кўтарилганини кўриш мумкин. Қуръони каримда Ҳижр сурасининг 29-оятида: **“Бас, уни тиклаб, ичига Ўз (даргоҳимдаги) руҳидан киритганимда, сизлар унга сажда қилган ҳолингизда йиқилингиз!” – деди** [1:263]. Яна бир оятда: **“(Аллоҳ) Одамга барча (яратилган ва**

яратилажак нарсаларга тегишли) **номларни ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга бирма-бир кўрсатиб деди: “Агар (эътирозингизда) ростгўй бўлсангиз, ана у нарсаларни номлари билан Менга айтиб берингиз!”** – деб (Бақара сураси, 31-оятда) келтирилган [1:6].

Шунингдек, инсон ташқи кўриниши ва шаклу-шамойили бўйича ҳам мукамал ва яхши суратда яратилгани ҳам Куръонда таъкидланади: **“Ҳақиқатан, Биз инсонни хушбичим ва хушсурат (шаклда) яратдик”** (Тин сураси, 4-оят). Нисо сураси 28-оятда: **“Ахир, инсон заиф яратилганда”** деб айtilган бўлсада, бу дунёнинг ўзагини инсон ташкил этади. Шу боис Парвардигор инсонга ирода ва онг берган ҳамда унга ердаги ва осмондаги барча нарсани бўйсундириб қўйган: **“У ўз томонидан сизларга осмонлардаги ва Ердаги барча нарсаларни бўйин сундирди. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавм учун аломатлар бордир”** (Жосия сураси, 13-оят) [1:569].

Инсонга бўйсудирилган қуруқлик, денгизлар, ўсимликлар ва ҳайвонлар, коинот, унинг ҳаракати ва тартиби, кундузи ва кечаси, куёш, ой, юлдузлар ва сайёраларнинг ўз орбитаси бўйлаб ҳаракати ҳақидаги оятлар Яратувчининг инсонларга берган марҳамати ва унинг қудрати аломати сифатида баҳоланади.

Аллоҳ инсонни мукаррам қилиб, унга иззат кўрсатиши оддий бир шиор эмас, балки ислом шариатининг асосий мақсади ҳисобланади. Ислом таълимоти инсон туғилган пайтдан то вафот этгунга қадар кадр-қимматга эга бўлади. Ҳатто инсон вафотидан кейин ҳам унга ҳурмат бажо келтирилиб, жасади ювилади, покланади, жанозаси ўқилади. Мусулмонлар унинг ҳаққига Яратгандан гуноҳларини кечиришни сўрайдилар.

Ислом инсон танасига зарар етказишнинг ҳар қандай кўриниши ва агар касаллик ёки бошқа шаръий сабаблар бўлмаса, киши ўз танасини ўзгартириши тақиқлаган. Шунингдек, вафот этган марҳумнинг танасига зиён етказишни ҳам тақиқлайди. Бу борада Пайғамбар (с.а.в) томонидан ўлган одамнинг суякларини майдалаш тақиқлаганини ҳам келтириш жоиз.

Куръон каримда яна инсонлар ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилиши ва бошқаларга моддий ва маънавий кўмак бериши белгилаб

қўйилган. Бу ҳақида Маориж сурасининг 24-25-оятларида: **“(топган) мол-мулклариди (ажратилган) маълум ҳақ борки, тиланчи ва маҳрум кишилар учундир”** деб қайд этилган [1:569]. Бунга кўшимча равишда ислом арконларидан бири бўлган закот ҳақидаги кўрсатмалар ҳам мавжуд бўлиб, унда жамиятдаги маълум маблағга эга мусулмонлар шариат белгилаб берган закот олишга ҳақдор кишиларга ўзаро ижтимоий ёрдам кўрсатиши фарз қилинган ҳамда уларнинг аниқ ўлчов ва шартлари белгилаб берилган.

Тавба сурасининг 60-оятда закот олувчилар тоифасини кўрсатиб берилган: **“Албатта, садақаларни фақат фақирлар, мискинлар, унда (садақа ишида) ишловчилар, диллари ошна қилинувчи (кофир)лар, (пул тўлаб озод этилувчи) қўллар, қарздорларга ва Аллоҳ йўлида ҳамда йўловчига (мусофирга бериш) Аллоҳ (томони)дан фарз (этилди)”**. Мазкур оят тафсирида муфассирлар: **“Бу кўрсатилган кишиларга закот, хирож, фитр ва ушр каби садақотлар берилиши керак. Улардан “диллари ошна қилинувчилар” мансух этилган. Яъни ислом аввалида закот ва вожиб садақаларни Абу Суфён ибн Ҳарб, Акраъ ибн Ҳобис, Уяйна ибн Ҳисн, Аббос ибн Мирдос, Сафвон ибн Умайя, Адий ибн Ҳотам, Забарқон ибн Бадр каби кофирларга ҳам берилар, бу билан уларнинг дилларини Исломга мойил қилиш мақсад қилинар эди. Кейинроқ Абу Бакр розияллоҳу анҳу халифалиги даврида саҳобалар ижмоси билан унинг ҳукми бекор қилинган”**ини келтиришган [1:196].

Ислом шариатида одамлар ўртасидаги тенглик ҳуқуқи ҳам белгиланган бўлиб, одамларни ирқий мансублиги ва танасининг рангидан қатъий назар бир-биридан устун ёки афзал кўришни тақиқлайди. Саҳобалардан бири бошқасига қарата **“Ҳой, қоратанли!”** деб мурожаат қилганида Муҳаммад (с.а.в) бу иборани жоҳилият қолдиғи, исломдан олдинги мезонлар ва қадриятлар сифатида тавсифлаб, ундан қайтарган. Шунда ўша саҳоба юзини ерга босиб, кечирим сўраган. Лекин инсонлар ўртасида гўзал ахлоқ ва Аллоҳ таолодан қўрқиш, яъни тақводагина устунлик бўлиши мумкинлиги Хужурот сураси 13-оятда: **“... Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир”** [1:517].

Шу билан бирга Одам Ато авлодлари бўлган инсон ҳуқуқлари ирки ва танасининг рангидан қатъий назар шариатда ислом қонунчилиги тизимининг бир қисми сифатида намоён бўлади ҳамда унинг диний таълимоти ва ахлокий тамойиллари билан ҳар қандай тафовутларни инкор қилган ҳолда чамбарчас боғланган бўлади. Ислом манбаларида инсон ҳуқуқлари нафақат ҳуқуқ ва унинг кафолатлари билан, балки уни бузганлик учун кўзда тутилган жазо билан ҳам кафолатланади. Мисол учун, Анъом сурасининг: **“Аллоҳ тақиқлаган жонни ноҳақ қатл қилмангиз”** деган 151-ояти билан инсоннинг яшаш ҳуқуқи кафолатланганини келиб чиқади [1:148].

Шунингдек, бу ҳуқуқни бузганлик учун Бақара сурасининг 178-оятидаги: **“Эй имон келтирганлар! Сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос (олиш) фарз қилинди...”** сўзлари билан унинг жазоси муқаррар эканлиги таъкидланади. Фикҳий манбаларда жазо ва унинг кўринишлари шариат аниқ белгилаб қўйган шартлар асосида баён қилинган ва у билан бутун бир жамиятнинг ҳам, яқка шахсларнинг ҳам ҳуқуқлари кафолатланган [2:25].

Шу туфайли бир шахснинг кадр-қиммати бутун инсониятнинг ҳаёти ва унинг давом этиш қийматига тенг саналади. Қуръони Каримда Моида сурасининг 32-ояти айтади: **“Ана ўша (илк қотиллик) туфайли Исроил авлодига шундай ҳукми битиб қўйдик: “Бирор жонни ёки Ерда (бузгунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларин қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир. Унга ҳаёт баҳш этган (ўлимдан қутқариб қолган) одам эса барча одамларни тирилтирган кабидир”** [1:113]. Айни мана шу сабаб инсон ҳаёти, унинг танаси ва ор-номуси дахлсизлигига тажовуз қилиш ёки унинг ҳуқуқларини камситишга қаратилган барча тақиқланади. Чунки инсонга ҳурмат унинг ўлиmidан кейин ҳам кўрсатилиши лозим.

Ислом шариатида инсоннинг яшаш ҳуқуқини асраш мақсадида фақат ҳақиқат ва ҳимоя учун, огоҳлантирган ва урушни очик эълон қилган ҳолдагина уришишга қонун билан рухсат этилади. Ислом ҳуқуқи ирқий ёки миллий мурасизлик ёки ўлжа учун уруш олиб боришни тақиқлаган. Ислом ҳарбий

ҳаракатларга чекловлар белгилаган ва ўзини Аллоҳга хизмат қилишга бағишлаган одамлар, аёллар, болалар ва қарияларни, агар улар уруш ҳаракатларида қатнашмаган бўлса, ўлдиришни тақиқлаган. Жанг майдонидан узоқда меҳнат қилаётган оддий инсонларни, агар улар уруш ҳаракатларида қатнашмаган бўлса, ўлдиришни тақиқлаган. Шунингдек, ислом ҳуқуқида одамларни озик-овқат билан таъминланиш борасидаги ғамхўрликка алоҳида эътибор қилинган ҳолда экин майдонлари ва чорвани нобуд қилиш ҳам тақиқланган.

Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) аёл кишини ўлдирган саҳобаларга қарата **“У билан жанг қилмаслик керак эди”** деб эътироз билдирган ҳолда жанг ҳаракатларини олиб бориш ахлоқи ва одоблари борасида юқори намуна кўрсатган. Пайғамбар (с.а.в.) Макка аҳли у киши билан душманлик ва уруш ҳолатида бўлса ҳам, уларга барча зарур озик-овқатлар жўнатиб турган.

Инсон ҳаётига тажовузларнинг олдини олиш чораси сифатида ислом шариатида етказилган зиёнга тенг жазо белгиланган. Бу ҳақида: **“Биз унда (Тавротда) уларга жонга-жон, кўзга-кўз, бурунга-бурун, қулоққа-қулоқ, тишга-тиш ва жароҳатларга қасос (олинур) деб, битиб қўйдик”** – дейилган (Моида сураси, 45-оят) [1:115]. Буларнинг барчаси ислом ҳуқуқи манбаларида муфассал шартлар ва кафолатлар билан бирга келтириб ўтилган.

Ислом манбаларида инсон ўз руҳиятини мустаҳкамлаши, ҳаёт ташвишлари олдида таслим бўлмасдан, Аллоҳдан яхшиликни умид қилиши таъкидланган. Шу боис инсоннинг ўз ҳаётига қасд қилиши тақиқланган. Бу борада Нисо сурасининг 29-оятида: **“...Ўзларингизни ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир”**.

Яна инсонга оқибатини билиб туриб, ўзини-ўзи ҳалокатга дучор қилиш тақиқланади. Қуръони каримда келтирилади: **“...ва қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз!...”** (Бақара сураси, 195-оят) [1:30].

Ислом қонунчилигида инсоннинг ақли ва онгини сақлаш учун маст қилувчи нарсаларни ишлаб чиқиш, тарқатиш ва истеъмол қилиш тақиқланади. Чунки маст қилувчи нарсалар соғлом фикрлашни йўқотишга ва ақлнинг идрок

килиш қобиляти бузилишига олиб келади. Оқибатда, инсонни ақл-хушдан айиради ва фикрлаш қобиляти сусайишига олиб келади. Қолаверса, инсон танасига тиббий жиҳатдан ҳамда молиявий томондан зарар бўлгани учун тақиқланган.

Яшаш ҳуқуқи, тана аъзолари ва ҳис-туйғу органларининг дахлсизлигини таъминлангани сифатида ислом манбаларида мусулмонларларга зиён келтирадиган ҳар нарсадан узоқлашиш талаб этилади.

Ислом таълимотида мусулмонларни қийноққа солиш, уларнинг қадрини ерга уриш, таҳқирлаш ёки мазаҳ қилиш тақиқланади. **“Эй, мўминлар! (Сизлардан) бирор миллат (бошқа) бир миллатни масхара қилмасин! Эҳтимолки, (масхара қилинган миллат) улардан яхшироқ бўлса. Яна (сизлардан) аёллар ҳам (бошқа) аёлларни (масхара қилмасин)! Эҳтимолки, (масхара қилинган аёллар) улардан яхшироқ бўлса”** неажаб (Хужурот сураси, 11-оят) [1:30].

Ғарбда эркинлик тушунчаси шахслар ва одамлар гуруҳига ўз таъсирини кўрсатадиган сўз сифатида асрлар давом этган шафқатсиз кураш натижасида қарор топган маслак ҳисобланади. Европада одамлар илмий тараққиёт ва инсон эркинлигига, қандай қилиб бўлсада, қаршилиқ қилган феодал ҳукмдорлар ва руҳонийлар ҳукумати зўравонликларига курашган ёзувчи ва файласуфларнинг улкан саъй-ҳаракатлари ва эвазига эришганлар. Лекин шунга қарамай, “эркинлик” сўзининг маъноси ҳозиргача узил-кесил аниқлаштирилмаган.

Ислом таълимотига келадиган бўлсак, бу ерда эркинлик инсон ҳаётнинг асоси ҳисобланади. Ислом ҳуқуқи нуқтаи назаридан эса инсон ҳаёти шариатнинг асоси ҳисобланади. Лекин ҳуқуқ шариатнинг асоси эмас. Эркинлик ҳуқуқи Парвардигорнинг ердаги ноиби – ўринбосари бўлган инсон ер юзида ўзига юклатилган олижаноб ва юқори мақсадларга эришиши учун инсон қадри ва унинг фаолиятига мос келадиган воситадир.

Бунинг учун ислом одамни Аллоҳдан ўзгага хизмат қилиш, унинг руҳий эҳтирослари ва туғма ҳис-туйғулари инжиқликларидан озод қилди. Яъни инсоннинг бошқа инсонга қуллик қилишини тақиқлади. Мусулмон олимларининг тушунишича, эркинлик – агар инсоннинг хатти-ҳаракатлари ўзига ёки бошқа одамларга

зиён ёки зарар етказмаса, инсоннинг ҳаракат қилиш қобилятидир. Ислом дини Аллоҳдан ўзгага хизмат қилишдан одамни озод қилишга интилади. Одамларни фақат Унга имон келтириш, бошқа нарсаларга эса бандалик қилмасликкани талаб қилади: **“...Ваҳоланки, уни (шайтонни) инкор этишга буюрилган эдилар”** (Нисо сураси, 60-оят) [1:88].

Дунё тарихида қулдорлик тизими – бирорта тамаддун уни айланиб ўта олмаган иқтисодий тизим бўлган. Шу сабабли ислом ундан озод қилиш учун фойдали восита қўллаган. Чунончи, унинг доирасини шу қадар торайтирганки, қулларни озод қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу эса ҳалол жангда эришилган ғалаба натижасида қўлга тушган асирларга ҳам қуллик тузумини қўлламаслик имконини берган. Ислом ҳуқуқи қул ва унинг хўжайи ўртасида пул эвазига озод қилиш ҳақида шартнома тузишга рухсат этади. Қуръони каримда бу борада айтиладики: **“...Қўл остингиздаги (қул)лардан мукотаб бўлишини истайдиганлари бўлса, у ҳолда агар сизлар уларда яхшилиқни билсангиз, уларни мукотаб қилингиз”** (Нур сураси, 33-оят) [1:354]. Мукотаб – хожасига маълум миқдорда пул топиб, унга бериш эвазига озод бўлиши келишилган қул бўлиб, бу билан у қисман озод бўлади ҳамда бошқа жойларга бориб ҳам ишлаб келиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шу билан бирга ислом ҳуқуқида айрим диний маросимларни бузганлик ёки хато бўйича одам ўлдириб қўйганлик учун жазо сифатида қул озод қилишга буюрилган. Ҳаттоки, хўжайин томонидан ҳазил тариқасида ёки хато қилган ҳолда қулни озод қилиш ҳақида айтган бўлса ҳам қулнинг ҳақиқатда озод қилинишига олиб келган.

Бундай ҳолат ўтган асрда мустамлакачилик босқинчилиги ва талончилигига учраган мамлакатларда ҳақиқий қулдорлик мавжуд бўлган ҳолда эркинлик ҳақида сохта шиорларни олиб чиқишга уринишларни тўлиқ таъминлай олмасди.

Бундан бир неча аср олдин европаликлар плантацияларда текинга ишлатиш мақсадида юз минглаб африкаликларни куч ишлатиб қўлга олганди. Шуни айтиш кифояки, биронта ислом давлатида қулчиликка асосланган тузум бўлмаган бир пайтда фақат АҚШнинг ўзида

қора танли аҳоли сони бир неча миллион кишини ташкил қилар эди.

Қуръони каримда умуминсоний ва ижтимоий қонунлар ҳақиқатини тушуниб етиш учун дунёга чуқур назар ташлаш, ақл-идрокдан фойдаланиш ва фикрлашга чақирилган: **“Айтинг: “Ерни айланиб, жиноятчи кимсаларнинг оқибати қандай (аянчли ва ибратли) бўлганини кўрингиз!”** (Намл сураси, 69-оят). **“(Эй Муҳаммад!) Айтинг: “Ерда сайр қилиб, (Аллоҳ) қандай қилиб яратишни бошлаганини кўрингиз!”** (Анкабут сураси, 20-оят) [1:398].

Мусулмон бошқа бир диндошига амри-маъруф ва наҳйи-мункар қилиш мажбурияти бутун бир жамиятнинг бурчи ҳисобланади. Олимлар ва нуфузли шахслар эса жамиятда ижтимоий-диний масалаларни ҳал этиш учун бу бурчни бажаришлари лозим: **“Сизлардан яхшиликка даъват этадиган, амри маъруф ва наҳйи мункар ишларини олиб борадиган (бир) уммат бўлсин. Айнан улар (охиратда) нажот топгувчилардир”** (Оли Имрон сураси, 104-оят) [1:63].

Шунингдек, ислом ҳуқуқида мусулмонлардан умумий ишлар бўйича бири бири билан маслаҳат қилиши ва кенгашиши талаб қилинади. Аллоҳ таоло Муҳаммад (с.а.в) га мурожаат қилиб айтади: **“... ва улар билан кенгашиб иш қилинг!”** (Оли Имрон сураси, 159-оят).

Ислом динининг муқаддас манбасида унинг ахлоқий асослари ва ўзига хос хусусиятларидан бири кенгаш (шўро) бўлган мусулмонлар жамиятини маътаб қилади: **“Уларнинг ишлари ўзаро маслаҳат (билан) бўлур”** (Шўро сураси, 38-оят) [1:487].

Ўз фикрини ифода этиш воситасида муҳокамада иштирок этиш “шўро” кенгаши орқали кафолатланган бўлиб, у бутун мусулмонлар жамоатини унинг қарорларини бажаришга мажбур қилади. Жамоатнинг ўзи эса ислом йўл-йўриқларига ва кўрсатмаларига мувофиқ умумий ишлар борасида маслаҳатга ҳар қандай йўллар билан мурожаат қилиши мумкин дўстона кенгашлар ва маслаҳатлардан фойда олиш имконини беради.

“Шўро” кенгашига келадиган бўлсак, ислом унга катта аҳамият қаратади ва у ёки бу шакллар, тартиблар ва таомилларни лозим топадиган

ҳукмдорларга унинг вазифаларини амалга оширишга олиб келадиган мажбуриятларни амалга оширишни юклайди. Бу бугунги кундаги Парламент институтини ўзида ифода этади.

Исломда дин асослари, ислом арконлари, унинг қадриятлари ва чегаралари, шунингдек, умумий манфаатларига риоя қилиш шартларида сўз ва фикр эркинлиги чекланмаган.

Ижтиҳод, яъни юридик масалаларни олий даражадаги билимларга эришган шахслар томонидан ҳал қилиш ҳуқуқи нафақат рухсат этилган, балки диний ва дунёвий ишлар масалаларида зарур ҳамдир. Ишларни ҳал қилишнинг бу тажрибасидан ислом қонунчилиги ёки дин асосларини бузадиган, ислом ахлоқий қадриятларини поймол қиладиган ёки одамлар орасида ихтилоф юзага келтириб, уларни йўлдан адаштирадиган нарсалардан бошқа масалаларга оидлари рад қилинмайди [2:63].

Ислом ҳуқуқида сўз эркинлиги мусулмон жамиятини ташкил қиладиган, унинг хатларини тузатадиган, тўғри йўлдан қандай бориш ва умумий ишларда қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкинлигини тушунтириб берадиган шариат меъёрлари билан тартибга солинади.

Ҳар қандай жамиятда сўз ва фикр эркинлиги, одамларнинг эътиқодлари қандай бўлишидан қатъи назар, одоб-ахлоқ кодекси ва дин-эътиқод асосларини бузадиган кишиларга нисбатан мутлақ бўлмаган.

Мутлақ эркинлик бу мутлақ анархия ҳисобланади. Шариат эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам ҳуқуқшунослар “фуқаролик эркинлиги” деб атайдиган ҳуқуқни кафолатлайди. Аёл киши тўлиқ ҳуқуқий лаёқатга эга. Жумладан, мулкий нуқтаи назардан ҳам: у мулк билан боғлиқ ҳаракатларни ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга ошириши, ўзига эр танлаши ва билан никоҳга рози бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин.

ХУЛОСА

Инсонлар томонидан ўрнатилган замонавий қонунлар шу пайтгача кўп асрлар мобайнида қўлланиб келаётган ислом ҳуқуқи даражасига етиб келмагани учун ҳозирги халқаро ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқишда ундан кенг фойдаланишга уринишлар кузатишмоқда. Чунки бу қонунлар аёлларнинг никоҳ тузилгандан кейинги ҳуқуқий лаёқатига чекловлар қўяди.

Эркинлик – инсонни моддий ва маънавий ҳаётдан қўқларга қўтарадиган қадрият, лекин шу билан бир пайтда манфаатлар ва ҳамжиҳатлик қўриқчиси бўлган ижтимоий ва ахлоқий феъл-атвор меъёрларидан чекиниш ҳисобланмайди. Ислом ҳуқуқида ҳеч кимга жамиятда ёмон ҳулқ ва ғулғула солишга рухсат этилмаган. Чунки эркинлик инсонга ёвузлик ва ёмон ҳулқни тарқатиш учун берилмаган ва бошқаларга зиён етказиш ёки жамиятни хавф остига қўйишга имкон бермайди.

Ахлоқсизлик, яхши фазилатларни поймол қилиш ҳамда ёлғон эркинлик учун инсон танаси ва руҳи кадр-қимматини писанд қилмаслик оқибатида азият чеккан мамлакатлар қанча.

Эркинлик – инсон ҳуқуқи, лекин у бошқа ҳар қандай ҳуқуқлар каби, уни писанд қилмаслик мумкин бўлмаган ижтимоий функцияни бажариши лозим, у ўзига хос меъёрлар томонидан тартибга солинади ва маълум бир соҳада амал қилади. Ислом ҳуқуқи мусулмон мамлакатларда яшайдиган ғайридинлар ҳуқуқларини ҳам тартибга солади. Уларнинг яшаш ҳуқуқини, то улар мусулмон жамиятидан шартнома асосида яшар экан, уларнинг руҳи, танаси, ор-номуси ва мулки дахлсизлигини кафолатлайди.

Инсон кадр-қиммати ҳақида тасаввур Ислом ҳуқуқида мукамал назарияга таянади. Бу кадр-қимматнинг сабаблари ва мазмуни аниқ. Чунки осмонда ва ерда бўлган ҳар нарса инсонга хизмат қилиши таъкидланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири [Матн] / Таржимон: Абдулазиз Мансур. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – 624 б.
2. Абдуллоҳ ибн Абдулмуҳсин Туркий. Ҳуқуқ ал-инсон фи ал-ислом. – Ар-Риёд: Визора аш-шуунул исломия, 1998. – 72 б.
3. Абдуллоҳ ибн Абдулмуҳсин Туркий. Ал-Амну фи ҳаят ан-нас ва аҳамиятиҳи фи-л-ислом. https://ketabpedia.com/book_author
4. Абдуғани Абдулла ўғли. Мусулмонлик ҳақ-ҳуқуқлари. – Тошкент: Адолат, 1993. – 76 б.
5. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. / Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган. // <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
6. Ражабова М. Шариатда жиноят ва жазо. – Тошкент: Адолат, 1996. – 133 б.
7. Раҳманов А., Раҳманов А. Ислом ҳуқуқи. – Тошкент: “ТДЮИ” нашриёти, 2007. – 494 б.
8. Саидов А.Х., Жузжоний А.Ш. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари: тарихий-ҳуқуқий лавҳалар. – Тошкент: Ижтимоий фикр, 1998. – 215 б.
9. Саидов А.Х. Основы мусульманского права. – Тошкент: Академия МВД, 1994. – 213 с.
10. Тошқулов Ж., Юсупова Н, О.Сарсенбоев, И.Бекмирзаев, С.Масаидов. Ислом ҳуқуқшунослиги. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – 408 б.
11. Тошқулов Ж., Юсупова Н. Исломда оила ҳуқуқи. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – 320 б.